

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши қурашиш
кўмитасининг 20.07.2020 йилдаги
594/02-11-сон хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 28

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташаббусига асосан.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага илфор замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси миллий операторининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – Почта ва курьерлик фаолияти билан шуғулланиб келувчи тадбиркорлик субъектлар, “Ўзбекистон почтаси” АЖ;

давлат органлари гурухи – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар ва бошқа вазирлик, идоралар;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуклари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси хизматларини лицензиялаш тартиби жорий этилиши кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 6-бандида 2024 йилнинг 1 январигача бўлган даврда Миллий оператор – “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти:

асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдалангандик учун соликни тўлашдан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Миллий оператор инфратузилмасини модернизация қилиш доирасида четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган техник ва технологик ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот, ўровлаш воситалари ҳамда транспорт воситалари божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 7-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини Миллий операторга аҳолига универсал хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш, янги турдаги почта алоқаси бўлимлари, логистика марказлари қуриш учун жойлашган ўрни ва майдонига доир сўровларига мувофиқ бегараз асосда ер участкалари ажратилиши таъминланиши белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси хизматларини лицензиялаш тартиби жорий этилиши кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармонига кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб:

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган механизмларини белгилаш, шаффофликни таъминлаш, бизнес билан ўзаро муносабатларда хукукий аниқликни мустаҳкамлаш ва давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги конунчиликни жадал такомиллаштириш;

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини босқичма-босқич қисқартириш, жамоатчилик назорати, ўзини ўзи тартибга солиш, сертификатлаш,

аккредитациялаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни сұғурталаш, техник тартибга солиши ва бошқа замонавий усуллар орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш белгиланган.

Мазкур Фармонга асосан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 69 та лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айrim турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан бекор қилинган (*35 таси бекор қилинган ва 34 таси бирлаштириш йўли билан бекор қилинган*).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Конунининг 7-моддасида фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари кириши белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси худудида почта алоқаси хизматларини лицензиялаш тартибини жорий этилиши почта алоқаси соҳасида давлат томонидан назоратини (тартибга солинишини) янада кучайтирилишига ва натижасида ушбу соҳани ривожланишига ва нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қиласди.

Шунга кўра, почта алоқаси фаолияти билан шуғулланиш учун тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратиш мақсадида, ушбу фаолият турини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда (гувоҳнома асосида) фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7.2. Қарор лойиҳасининг 6-бандида 2024 йилнинг 1 январигача бўлган даврда Миллий оператор – “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти:

асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Миллий оператор инфратузилмасини модернизация қилиш доирасида четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган техник ва технологик ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот, ўровлаш воситалари ҳамда транспорт воситалари божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорида солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан:

умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарурлиги;

вақтингчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан **3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга** берилиши;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида холларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Конунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равища бериши **тақиқланган**.

Шунга асосан, қарор лойиҳасининг **6-бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади.**

7.3. Қарор лойиҳасининг 7-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Миллий операторга аҳолига универсал хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш, янги турдаги почта алоқаси бўлимлари, логистика марказлари қуриш учун жойлашган ўрни ва майдонига доир сўровларига мувофиқ беғараз асосда ер участкалари ажратилиши таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонининг 10-банди а)-кичик бандига кўра, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча худудларида фақат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали берилиши белгиланган.

Шунга кўра, қарор лойиҳасининг 7-бандини кайта кўриб чиқиш ва ер участкалари ажратилишида аниқ инвестиция мажбуриятлари сифатида аҳолига универсал хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш, янги турдаги почта алоқаси бўлимлари, логистика марказлари барпо этишни назарда тутган ҳолда “E-IJRO AUKSION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали берилиши лозим бўлади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, почта алоқаси хизматлар фаолияти билан шуғулланиши учун тадбиркорлик субъектларига қўшимча чекловларнинг жорий этилиши ва рақобатнинг чекланиши олдини олиш ҳамда нормал фаолият кўрсатишига қулай ва teng шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини юқоридаги таклифлар ва эътиrozларни инобатга олган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.